НАВОИЙ ЛЕКСИКАСИНИНГ “ЛУҒАТИ ЧИҒАТОЙИ ВА ТУРКИ УСМОНИЙ”ДА ИЗОҲЛАНИШИ

Нишонбой ҲУСАНОВ
профессор
филология фанлари доктори
Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университети
Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада элчи, луғатшунос ва шоир Шайх Сулаймон Бухорийнинг (1821–1890) ҳаёти ва унинг “Луғати чиғатойи ва турки усмоний” асарида Навоий лексикасининг изоҳланиши таҳлил қилинган. “Луғати чиғатойи ва турки усмоний” ва Навоий асарларига атаб тузилган луғатлардаги сўзлар қиёсланган, “чиғатой тили”, “турки усмоний” (усмонли турк) бирикмаларининг келиб чиқиши тарихи очиб берилган.

Таянч сўзлар: луғат, муқаддима, манба, чиғатой тили, усмоний тил, сўзларнинг изоҳи, тарихий луғатлар.

ТОЛКОВАНИЕ ЛЕКСИКИ НАВОИ В СЛОВАРЕ “ЛУГАТИ ЧИГАТОЙИ ВА ТУРКИ УСМОНИЙ”

Нишонбой ХУСАНОВ
профессор
доктор филологических наук
Университет узбекского языка и литературы имени Алишера Навои
Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье анализируется жизнь посла, лексикографа и поэта Шейха Сулеймана Бухари (1821–1890), а также особенности толкования лексики Навои в его труде «Лугати чигатойи ва турки усмоний» («Чагатайско-османский словарь»). Проведено сопоставление слов из данного словаря с лексемами, зафиксированными в словарях к произведениям Навои; раскрыта история происхождения словосочетаний «чиғатой тили» и «турки усмоний» (османский).

Ключевые слова: словарь, введение, источник, чагатайский язык, османский язык, введение, объяснение слов.

Алишер Навоий асарларига қизиқиш ва уларда қўлланилган сўзлар маъносини изоҳлаш аллома ҳаётлигидаёқ кўпчиликни ўзига жалб қилган. Унинг асарларида қўлланилган сўзларнинг маъно нозикликларинг англаш зарурияти турли тиллардаги изоҳли, икки тилли луғатларнинг яратилишига сабаб бўлди. Султон Ҳусайн Бойқаронинг ҳукмронлиги даврида Ҳиротда тузилган Толи Имон Ҳиравийнинг “Бадоеул” луғати, Мирза Меҳдихоннинг

“Санглох”, “Хулосаи Аббосий”, Фатх Али Кожарнинг луғатлари чиғатойча-форсча луғатлар ҳисобланса, Сулаймон Бухорийнинг ”Луғати чиғатойи ва турки усмонийи” ва муаллифи номаълум “Абушқа” луғати чиғатойча-усмонли туркча луғатлардир.

Навоий асарларига нисбат берилиб тузилган луғатларнинг аксариятида эски “ўзбек тили” ўрнида “чиғатой тили” қўлланилган. Хусусан,“Луғати чиғатойи ва турки усмоний”да чиғатой сўзининг келиб чиқиши Ўрта Осиё ва Шимолий Афғонистонга ҳукмронлик қилган Чиғатой (Чингизхоннинг ўртанча ўғли исми)га боғланган. Киши исми бўлган сўз тарих тақозоси билан аввал жуғрофий атамага, яъни жой номига, сўнгра эл номига айланган. Номшуносликда бир атоқли отнинг иккинчи атоқли отга айланиши эътироф этилган қоида ҳисобланади. Аммо Ўрта Осиёнинг аҳолиси ўтроқ туркийлар бўлиб, улар қорлуқ-чигил лаҳжасида гаплашишган. Даврлар ўтиши билан Чиғатойга қарашли ерлар чиғатой юрти, элатлар чиғатой улуси, бу ҳудуддаги адабиёт ва тил чиғатой адабиёти ва чиғатой тили деб юритила бошлаган. XV–XVI асрларда бу номнинг ижтимоий-сиёсий вазифаси кенгайиб, бутун Мовароуннаҳр ҳудудини, унинг халқи (чиғатой эли ва улуси) ва тили (чиғатой туркийси)ни ифодалай бошлаган [1;193].

Алишер Навойи чиғатой халқи ҳақида шундай ёзади: “Яна турк улуси, батахсис, чиғатой халқи аро шойиъ авзондурким, алар сурудларин ул вазн била ясаб, мажолисда айтурлар. Бириси “Туюғ” дурким, икки байтқа муқаррардур ва саъй қилурларким, тажнис айтилғай ва ул вазн рамали мусаддаси мақсурдур”[2;581]. Шоир чиғатойларни бир туркий қавм сифатида араблардангина эмас, ҳатто, бевосита туркий қавм ҳисобланмиш туркманлару халажлардан ҳам ажратиб кўрсатади:

Навоий, иста мазоҳирда чеҳрайи мақсуд,

Араб агар чиғатой, йўқса туркману халаж [3;70].

Умуман, чиғатой тили иборасини Алишер Навоий қорлуқ-чигил лаҳжасига асосланган эски ўзбек адабий тилига нисбатан қўллаган [4;95].

Европалик таниқли туркийшунос олимлар – Армений Вамбери, Игназ Қунош, Янош Экман ва бошқалар ҳам XIII – XIX асрларда яратилган эски ўзбек тилидаги асарларнинг тилини чиғатой тили деб ёзишган. Ўзбеклар ўзининг узоқ тарихи, ёзув маданиятига эга бўлган қадимий халқ бўлса-да, ўзбек халқининг ва тилининг номланиш тарихи алоҳида хусусиятга эга.

Шайх Сулаймон луғатнинг "Муқаддима"сида чиғатой тилининг дунёдаги она тиллардан бир эканлигини, усмонли туркчасининг асли ва ўзаги бўлмиш чиғатой тилини ўрганиш зарурлигини таъкидлайди: "…чиғатой лисони дунёда бўлунан она лисонлардан бири ўлуб, Осиёйи Вустанинг умум аҳолиси бунунгла мутакаллимдир. Ишта бу жиҳатла лисон-и мазкурин аҳамияти даркордир" [5; 2].

"Луғати чиғатойи ва турки усмоний"даги "турки усмоний" бирикмасининг келиб чиқиши тарих билан боғлиқ: усмоний тил (эски анатолия-турк тили) Ўрта Осиёдан чиққан салжуқларнинг XIII аср охирлари – XV аср бошларида Кичик Осиёга кўчиб ўтиши натижасида шаклланган бўлиб, усмонийлар салтанатининг давлат тили ҳисобланган. Салжуқийлар таркибида кўчиб келган қипчоқ, қарлуқларнинг тили ҳамда ота ватанларидаги қипчоқ, чигил, қарлуқ қабилалари билан доимий алоқа усмоний тилнинг чиғатой тилига яқин бўлишига таъсир кўрсатган. Аммо араб ва форс тилларидан ўзлашган сўзлар миқдори ниҳоятда кўплиги сабабли сўзлашув турк шеваларидан жиддий фарқ қилган. XIX аср ўрталаридан бошлаб оғзаки нутққа яқин янги усмони тили шакллана бошлаган ҳамда Шайх Сулаймоннинг луғатида бу ҳолат маълум даражада ўз ифодасини топган.Туркияда Жумҳурият эълон қилинганидан кейин турк жамиятида тил соҳасидаги янги жараёнлар, ҳаракатлар бошланиб кетди, турли шеваларга хос оғзаки сўзлашувни кодификациялаш асосида замонавий турк адабий тилининг янги илмий нормалари қатъийлаштирилди,1928 йилда лотин алифбосига асосланган турк ёзуви яратилди ҳамда усмони тил муомаладан чиқарилди: форсий ва арабий сўзлар ўрнини турк тилининг қоидаларига мослаштирилган европача сўзлар эгаллай бошлади, янги туркча сўзлар ясаш

авж олди. Натижада усмонли турк тилининг табиий тараққиётида узилиш юз берди [6;76].

1877 йилда султон Абдулҳамидхон Можористонга султонлик номидан икки мамлакат ўртасидаги дўстлик ва маданий муносабатларни яхшилаш мақсадида ўн беш кишилик ҳайъат юборади. Ҳайъатга бошчилик қилиш Истанбулдаги Ўзбеклар такяси раиси Шайх Сулаймон Афанди зиммасига юклатилган. Усмонли ҳайъати 1877 йил 19 апрель жума куни Истанбулдан кемада Можористонга йўлга чиқади.

Бир саёҳат яна чиқди бошима,

Ёлбориб қўймадилар хоҳишима.

Миллатинг номина кетгин дедилар,

Мажора тез юри етгин дедилар [5;9].

Пештдаги турк элчисининг Истанбулга юборган хабарномасида усмонлилар ҳайъатининг Можористонда самимият ва меҳр билан кутиб олинганлиги тафсилоти баён қилинган. 6 майда Пешт шаҳри волийси томонидан уюштирилган тадбирда кўплаб олимлар, жумладан Армений Вамбери иштирок этади ва нутқ сўзлайди. Маълумки, Армений Вамбери можор тилининг туркий тиллардан келиб чиққанлиги назариясини исботлаш учун Шайх Сулаймон Афандининг таклифи билан Рашид Афанди номи остида Ўрта Осиё сари сафарга чиққан ва 2 томлик хотиралар китобини чоп қилган олим ва сайёҳдир. Шарқшунос Вамбери чиғатой (ўзбек) тилининг қадимий туркий тиллардан эканлигини билганлиги сабабли Сулаймон Бухорий билан чиғатойча-усмонли туркча луғат тузиш зарурлиги ҳақида маслаҳатлашади. Бу ҳақда “Луғати чиғатойи ва турки усмоний”нинг “Мазумаи чиғатой”ида аниқ маълумотлар мавжуд.

Осиёдан келишим англадилар,

Чиғатой билдигими тингладилар.

Кўп гап ўрмоқга талошлашдилар,

Бул луғат узра кенгошлашдилар.

Онинг учун манга рағбат келди,

Бир луғат битмаға ғайрат келди [5;10].

Шайх Сулаймон Афанди Можористонга қилган сафарида Алишер Навоий асарларини ҳам совға сифатида олиб борган ва уларни Миллий музейга топширган эди. Бу китоблар ҳозирда Венгрия Миллий кутубхонасида Fo1.Turc2 рақами остида сақланади. Султон Абдулҳамид сафардан қайтган Сулаймон Бухорийни туркий қавмлар ўртасидаги алоқани мустаҳкамлашдаги саъй-ҳаракатларини юксак баҳолайди ва унга Туркиянинг учинчи рутбали *“Mecidiye Nişanı”* (**“**Мажидия” ордени) берилади [7;62].

Шайх Сулаймон Афандининг Можористонга сафарини илгари “туркологларнинг халқаро конгрессида иштирок этиш” билан изоҳлаганмиз, чунки Армений Вамбери ва бошқа олимлар билан учрашувар ва маслаҳатлар, Навойи асарларининг қўлёзмаларини совға қилишлар шундай хулосага олиб келган эди. Аммо Сулаймон Бухорий ижоди ва ҳаётига оид кейинги даврдаги ишлар – сафар ҳақида репортажлар ёзган Маҳмуд Тавфиқ, ўз хотираларини ёзган Бела Эродий, Можористондаги усмонийлар элчисининг эълон қилинган махсус хабарида Шайх Сулаймон Афандининг Можористонга сафарида илмий анжуман тўғрисида маълумот учрамаса-да, турли даражадаги туркийшунос олимлар, кенг жамоатчилик вакиллари билан учрашувлар жуда самарали бўлганлиги ва маълум сиёсий-маданий мақсадлар кўзланганлиги акс этган [8;114].

Можористонлик туркийшунлсларнинг илтимосига биноан ҳамда чиғатой тили лексик бойлиги ва грамматик хусусиятларига кўра бошқа тиллардан қолишмаслигини кўрсатиш мақсадида Сулаймон Бухорий луғатни тузишга киришади ва у “Луғати чиғатойи ва турки усмоний” номи билан 1882 йилда Истамбулдаги “Меҳрон” матбаасида нашр қилинади.

“Луғати чиғатойи ва турки усмоний”луғати чоп этилганидан сўнг китоб билан танишган Султон Абдулҳамид Соний Шайх Сулаймон Афандини тўртинчи рутбали “*Nishani Osmani”* – Усмония ордени билан тақдирлайди [9;72].

Сулаймон Бухорий икки жилддан иборат китоб ёзган: унинг биринчи жилди “Луғати чиғатойи ва турки усмоний” маълум ва машҳур, аммо иккинчи жилд чоп этилмаган. Ўзбек шевалари ва уруғлари тилига бағишланган иккинчи жилд ҳақида муаллиф “Муқаддимаи чиғатой” шундай ёзади: “Ва иккинчи Мовароуннаҳр дафтариға Осиё васати ўзбек қабойиллари – барлос, мўғул, татор, некўз, қонгли, қатағон, чимбой, чупут, манжал, аёқли, тўпоқли, юз, минг, уйғур, қишлиқ, хитой, қипчоқ, қирғиз, қозоқ, қорақалпоқ, сарой, митан, сулдуз, қурлос, қўнғирот,казаки, манғит, арлос, тароқли, абоқли, ачамайли, араб, ирғиз, дўрмон, наймон, қайрасолди, ўн, чалойир, арғин, алчин, урмоқ, тўдоқ, кажик, қалмоқ, қорлуқ, келжи, буйрок, адирот, қиёт, фангли, узурлот, чупложи. қушчи, утожи, уймодид, арғит, мисид, маркит, бурқут, уклон, уйшун, тотор, ёбу, тума (тама), бадин, ралот, ва кет, қалон, ва чупложи, қори, ва байло, ва ёбу, фулоджи, ғажир, бади, ос, живирғон, ва келжи, эла-эла,баёт, буёдат, туркман, кудой, таки, ар, журот, ўғлон, нубой али ҳазо ал қиёс 92 уруғ ва тийра ўзбеклар ичида суйланилмакда ўлғон чиғатой зуруб амсоллари ва хуруф хижо тартибила сабт айладим” [5; 6].

“Луғати чиғатойи ва турки усмоний” китоби 340 саҳифадан иборат. Унинг 1–7-бетларидаги муқаддимада муаллиф луғатнинг ёзилиши сабаби, тузилиши, манбалари ва бундан кўзда тутилган мақсад ҳақида фикр юритган. Китобнинг 8–11-бетларида муаллифнинг автобиографик шеърий асари “Манзумаи чиғатой” берилган. “Манзумаи чиғатой”да муаллиф ўзининг таржимаи ҳоли, фаолияти ҳамда луғат ҳақидаги фикрларини баён этган. 15–20-бетлардан луғатнинг грамматик маълумоти – “Қавоид” ўрин олган. “Қавоид”дан сўнг асарнинг луғат қисми бошланган. Бунда 6667дан зиёд сўз ва сўз шакллари келтирилган бўлиб, улар классик лексикография қоидаларига биноан, яъни араб алифбоси тартибида жойлаштирилган. Луғатни тузишда Сулаймон Бухорий лексикографик манбалардан – луғатлардан ҳам ижодий фойдаланган.

“Луғати чиғатойи ва турки усмоний”ни тузишга киришишдан илгари Сулаймон Бухорий ўша даврда машҳур бўлган “Абушқа”, “Бадоъеул луғат”, “Санглоҳ”, “Хулосайи Аббосий”, “Аҳмад Вофиқ пошшонинг луғати” ва бошқа луғатларнинг манбалари,тузилиши ва изоҳларини синчиклаб ўрганган, зеро қадимий ва бой луғат анъаналарига асосланилса, яхши ва ишончли луғат тузилади” [10;39]. Сулаймон Бухорий чиғатойча – усмонли туркча луғатлар муҳим аҳамиятга эга эканлигини яхши билган ва ўз луғатини тузишда “Абушқа” луғатидан унумли фойдаланган.

Маълумки, “Абушқа” луғати шу сўз билан бошлангани ва муаллифи номаълум бўлгани учун шундай номланган. “Абушқа”да 2000 га яқин сўз изоҳланган бўлиб, луғатдаги сўзларнинг деярли ҳаммаси ҳамда сўзларга мисол сифатида берилган байтларнинг маълум бир қисми “Луғати чиғатойи ва турки усмоний”да ҳам қайд этилган. Аммо “Абушқа”га нисбатан “Луғати чиғатойи ва турки усмоний”даги изоҳлар ҳамда иллюстратив материаллар аниқроқ ва мукаммалроқ. Шайх Сулаймон Бухорий “Абушқа”дан ижодий фойдаланган бўлса-да, ҳар икки луғатдаги материалларнинг қиёсий таҳлили қуйидагиларни кўрсатди.

1. Кўпгина сўзлар ва уларнинг изоҳлари ҳамда келтирган иллюстратив материаллар бир хил. Масалан, ўтру اوترو – берабар; ве муқабил; ве маважаҳа.

Навоий:

Анда битибким, бўлубон ўтруси,

Ҳар неча кўз солса боқа кўргуси [5;24].

ўркамжи اورکامجی – анкабут; урумжек; аккаше.

Навоий:

Дўстинг оллида ердек паст Хайбар қалъаси,

Душманинг дафъиға ўркамчи уйи ҳасан- ҳусайн [5;30].

от آت – фарас; эсп; ад; нам; шуҳрат; нанг.

Навоий:

Бу гулшан ичраки йўқдур бақо гулинда сабо,

Ажаб саодат эрур чиқса яхшилик била от.

Чун парию ҳурдур, отинг бегим,

Суръат ичра девдур, отинг бегим,

Ҳар хадангиким улус андин қочар.

Нотавон жоним сари отинг, бегим [5;2].

ўчки اوچکی– кечи; буз; серка; ўғлақ.

Навоий:

Турфа сақолин осибон кулгудек,

Икки йиғож узра чиқиб ўчкудек.

Мисол:

Сути ўчкунинг шера жон бўлуб,

Анинг қатраси дурри ғалтон бўлуб [5;27].

2. Ҳар иккала луғатда бош сўзлар грамматик тузилишига кўра бир-биридан фарқланади, аммо уларнинг изоҳи ва иллюстратив материал бир хил.

ўтғаниб (Абушқа) ;

ўтғотмақ اوتغاتماق – ўтинмақ; ҳижаб; шарм; ҳайа этмек.

Навоий:

Ёр ёрни била қилмангиз, эй қанду шакар лоф,

Чун оби ҳаёт ўтғониб андин ёшунубдур [5;25].

ўтканмок اوتكانماك – эмрар, айам этмек; эшамақ; тақлид ве реқебат этмек.

Навоий:

Қоматингга сарв тақлид айлабон топти шикаст,

Бу сазодурким,яна сарв сиҳиға ўтканур [5;25].

ошуқлуқآشوقلوغ – диз қапағи; диз ағир шақи.

ошуқмоқآشوقماق – ажел ве шитаб этмек.

Навоий:

Ҳар кимсаки айламаъ ошуқмоқни хаёл,

Япроқни ипак қилур, чечак баргини бол [5;14].

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Сулаймон Бухорийнинг луғатидаги ва “Абушқа”даги 300 дан ортиқ байтлар бир-бирига мос келади.

Шайх Сулаймон Бухорий ўз луғатини тузишда нафақат чиғатойча-туркча, балки чиғатойча-форсча луғатлардан ҳам кенг фойдаланган.Хусусан, Толи Имон Ҳиравийнинг “Бадоеъул луғат”и Султон Ҳусайн Бойқаронинг ҳукмронлиги даврида унинг буйруғи асосида Ҳиротда тузилган. Бу луғат Алишер Навоийнинг назмий асарларидаги сўзларнинг изоҳига бағишланганлиги учун “Бадоеъ ул-луғат” деб номланган.“Бадоеъ ул-луғат” жуда кўп луғатлар учун манба вазифасини ўтаган. “Бадоеъ ул-луғат”нинг ягона қўлёзмаси Санкт-Петербургдаги Салтиков-Шедрин номли кутубхонада сақланади. Бу қўлёзма таниқли турколог олим А.К.Боровков томонидан ўрганилди ва 1961 йилда чоп этилди [11].

Қиёсий таҳлиллар “Бадоеъ ул-луғат”да ва Шайх Сулаймон Бухорийнинг “Луғати чиғатойи ва турки усмоний”даги 680 сўзнинг мос келишини кўрсатди. Масалан, онт (57, ШС 22); ара (57, ШС 7); арғадал (57; ШС 9), арбағ (57, ШС 8); от (58, ШС 15); отлиғ (58, ШС 5); армон (58, ШС 10); армонлиғ (59, ШС 10); абушқа (59, ШС 3); отиқиб (59, ШС 5);атағлимақ (59, ШС 4); атағлиқ (60, ШС 4); отқун (60, ШС 4); очмоқ (60, ШС); оч (60, ШС); очиғ (60, ШС 5); ожиқмақ (60, ШС 65); ошуқмақ (61, ШС 14); ол (61, ШС 17); оқармақ (61, ШС 14); ёки йазуқ – (256, ШС 293); йушунмақ – (256, ШС 294); йадамақ – (256, ШС 290); йамғур – (256, ШС 299); йанглимақ - (257, ШС 301); йаламақ – (257, ШС 297); йан - (257, ШС 299); йандашмақ – (257, ШС 300); йалиқмақ – (258, ШС 298); йалақ – (258, ШС 297); йапуқ – (258, ШС 289); йана – (258, ШС 299); йатақ – (259, ШС 296); йасамақ – (260, ШС 293); йапмақ – (260, ШС 289); йасалсун – (260, ШС 294); йурун – (261, ШС 305); йурумақ – (261, ШС 305); йумшақ – (261, ШС 309); йутмақ – (262, ШС 304); йонмақ – (262, ШС 309); йоққари – (262, ШС 306); йетмақ – (262, ШС 310); йемрулмақ – (263, ШС 314); йемрилгу – (263, ШС 314); йибармак – (263, ШС 310); йиқач – (263, ШС 312); йалман – (264, ШС 298); йиқлайи –

(264, ШС 312); йешилмақ – (264, ШС 312); йиқи – (264, ШС 312); йиқмақ – (265, ШС 312); йенг – (265, ШС 314); йирақ – (265, ШС 311).

Умуман, Шайх Сулаймон луғатни тузишда ўзигача яратилган луғатлар тажрибасидан фойдаланганлиги учун “Луғати чиғатойи ва турки усмоний” эски ўзбек тилида яратилган мукаммал луғатлардан ҳисобланади.

Немис шарқшунос олими Мартин Ҳартманнинг луғатдаги маълумотлар чиғатойча эмас, балки шевалардаги ўзбек тили акс этганини ҳақидаги асоссиз танқиди туркийшунос олимлар томонидан рад этилди: “Гарчи луғатни Мартин Ҳартманн чиғатой туркчаси эмас, Ўрта Осиёдаги замонавий шевалар луғати бўлгани учун танқид қилган бўлса-да, Шайх Сулаймон Афандининг ўзи ўз луғатига Мовароуннаҳрда яшовчи халқлар орасида ишлатиладиган сўзлар, иборалар ва мақолларни ҳамда Мир Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Мир Ҳайдар каби адибларнинг асарларини киритганини билдирган. Чунки унга кўра чиғатой туркийси ўтмишда мумтоз чиғатой адиблари, айниқса, Алишер Навоий томонидан қўлланилган тил ҳамда бугунги Мовароуннаҳрда яшовчи ўзбек, туркман, қозоқ, мўғул, қирғиз, қипчоқ ва қалмоқ халқлари сўзлашадиган тилдир” [12;82].

Турк олими Ф.Сема Барутчу Ўзундур Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн”нинг туркча нашрида “Lugat-i Çağatay ve Türkî-i Osmânî” га алоҳида эътибор қаратган ва ундан кўп бора фойдаланган.

Турк олими Фотиҳ Эрбой “Gölge Kelime Terimi ve Çağatayca Sözlüklerdeki Bazı Gölge Kelimeler” номли мақоласини тайёрлашда “Абушқа”, “Бадое ул-луғат”, “Санглоҳ”, “Dictionaire Turc Oriental”, “Lugat-i Çağatay ve Türkî-yi Osmânî”, “Cagataische Sprach Studien” ва “Versuch Eines Wörterbuches der Türk-Dialecte” каби луғатлардан фойдаланганлигини, бир қатор сўзлар луғатларда хато берилганлигини аниқлаш ва ойдинлик киритишда ишончли манба сифатида “Lugat-i Çağatay ve Türkî-i Osmânî” китобида берилган сўзларга мурожаат қилган [13;248].

Умуман, “Луғати чиғатойи ва турки усмоний” қуйидаги хусусиятларига кўра муҳим лексикографик манба ҳисобланади.

1.Сулаймон Бухорий Ўрта Осиёда XIII асрдан XIX асрнинг 2-яримигача яшаган ижодкорларнинг тилини чиғатой тилини деб ҳисоблаган ҳамда бу иборани қорлуқ-чигил лаҳжасига асосланган эски ўзбек адабий тилига нисбатан қўллаган. Бу эски адабий ўзбек тилининг номланиш тарихида ўзига хос аҳамиятга эга.

2.Эски ўзбек тилида яратилган луғатларнинг кўпчилиги маълум бир адабий асарларга тузилгани учун улардаги сўзларнинг қамрови ва миқдори чекланган. “Луғати чиғатойи ва турки усмоний” эса XII–XIX асрлардаги чиғатой (эски ўзбек адабий) тилида ижод этган 100га яқин ижодкорлар асарлари, фольклор асарлари – ўзбек халқ достонлари, қўшиқлари, мақоллари, топишмоқларида ҳамда жонли ўзбек шеваларида қўлланилувчи 6670 сўзни қамраб олган.

3. Навойи асарлари тилига бағишлаб ўнлаб луғатлар яратилган бўлса-да, уларнинг асосий қисми ўзбекча-арабча, ўзбекча-форсча луғатлардан иборат. “Луғати чиғатойи ва турки усмоний” икки туркий тил – чиғатой (ўзбек) ва усмонли турк тилларига бағишланган бўлиб, ундаги мингдан ортиқ сўз ва мисоллар Алишер Навойи асарларидан олинган.

4. Эски ўзбек тили лексикасига бағишланган “Абушқа”, “Бадоеъ ул-луғат”, “Санглоҳ” каби луғатларнинг барчаси қўлёзмада бўлгани учун уларда котиблар йўл қўйган имловий хатолар мавжуд ҳамда улардан кўпчилик фойдалана олмаган. “Луғати чиғатойи ва турки усмоний” эса литография усулида, хатолари тузатилган ҳолда кўп нусхада чоп этилганлиги сабабли Ғарб ва Шарқда кенг тарқалган, илмий доираларда ундан самарали фойдаланилади.

5. “Луғати чиғатойи ва турки усмоний”даги сўзларнинг асосий қисмини, яъни 90 фоизини туркий сўзлар ташкил этади. Фақатгина 10 фоизи арабча ва форсча сўзлардан иборат. Луғатдаги сўзлар ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олганлиги учун турли соҳа вакиллари ундан ишончли ва қизиқарли манба сифатида фойдаланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1.Abdushukurov B.B. O‘zbek tili tarixi darslik. – Toshkent: Nodirabegim, 2021. – 332 b.

2.Навоий, Алишер. Тўла асарлар тўплами. Мезон ул–авзон. Ўнинчи жилд. – Тошкент, 2011.

3.Навоий, Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. 20жилдлик. 6 жилд. – Тошкент,1989.

4. Олим, Судтонмурод. Chig’atoy lafzi ila raqam urdum. – Тошкент: Тафаккур, 2005.

5. شیخ سلیمان افندی بخاری لغت چغتاي و ترکی عثمانی جلد اول استانبول مهران مطبه سی . 1298

6.Ғайбуллаев С. Бухоролик шайх ва элчи қисмати. – Тошкент: Lesson press, 2025. – 172 б.

7.Mehmed Tevfik .Yadigâr-ı Macaristan Asr-ı Abdülhamid Han, İstanbul: Mihran Matbaası,1877.

8. Béla, E. Csok Jasa! A Török Küldöttség Látogatásának Emlékkönyve, (Türk Heyetinin Ziyaretinden Hatıra Kitabı), (çev. Yılmaz Gülen), Mehner Vilmos Kiadványa, Budapest,1877: 114-115.

9. Kaman, S. Şeyh Süleyman Efendi ve “Lugat-i Çağatay ve Türkî-i Osmânî”ye tanık olarak katkıları. RumeliDE Dil ve Edebiyat Araştırmaları Dergisi, 2019, (16), 69-97.

10. Бабкин А.Ф. Филологические словари и их источники. Проблема толкования слов и филологических словарях. – Рига, 1963.

11. Боровков А.К. “Бада’и ал-луғат”. Словарь Тали Имани Гератского к сочинениям Алишера Навои. – Москва, 1961.

12.Şen, Mesut. “Tanzimat Aydınlarının “Çağatay Türkçesi”ne Bakışı ve Şemseddîn Sâmî’nin Tesiri”, Turkish Studies -International Periodical For The Languages, Literature and History of Turkish or Turkic, Volume 9/9 Summer, Ankara, 2014. 81-102.

13. Erbay, F. "W. Radloff'un Sözlüğündeki Çağatay Türkçesine Ait Kelimelerde Karşılaşılan Bazı Sorunlar", 1. Uluslararası Türk Dili ve Edebiyatı Sempozyumu Bildirileri, (23-26 Ekim 2007), Isparta,2008, 245-250.